

## ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Халиллаева Наргиза*

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари*

*университети 2-курс талабаси*

*Илмий раҳбар: Давронова Зульфия*

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари*

*университети катта ўқитувчиси*

Сўз тилда номинатив функцияга эга асосий аммо ягона бўлмаган бирликдир. Нутқда у бошқа сўзлар билан бирикиш хусусиятига эга бўлиб, унинг бу сўз бирикмалари яшаш функцияси синтактик нормалар ва қоидалар асосида бошқарилади. Тилда бундай бирикмалар турли моделлар ёрдамида белгилаб қўйилади. масалан, А+Н модели, сифат ҳамда отдан тузиладиган бирикмаларни ифодалаб, жуда кўп сўз бирикмалари бу модел асосида тузилиши мумкин. Аммо тилда шундай бирликлар мавжудки улар ҳам сўз каби ягона тушунча ифодаласада, шаклан сўз бирикмаси ёки гапга тенг келади. Бундай бирликлар тилда тайёр ҳолда сақланиб нутққа шундайлигича олиб кирилади ва фразеологик бирликлар деб аталади. Фразеологик бирликлар икки ва ундан ортиқ лексеманинг ўзаро семантик боғланиб умумлашма кўчма маъно кашф этишидан вужудга келади.

Авваламбор, фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирар эканмиз, уларни эркин бирикмалардан ажратиб кўрсатувчи бир неча фарқларини келтириб ўтиш жоиздир.

Биринчидан эркин бирикмалар компонентлари таркибига турли хил лексик, грамматик ўзгартиришлар киритиш мумкин. Юқоридаги моделга асосан таҳлил қиладиган бўлсак, “rouge” сифати жуда кўп отлар билан бирикиб келиши мумкин ва бунда у қизил рангни билдириш маъносини сақлаб қолади. (*bonnet rouge, boule rouge, chemises rouges, colère rouge, etc.*), шунингдек бу сифат предметни билдирувчи ҳар қандай сўз билан бирикиши ва саноқсиз сўз бирикмалари яшаши мумкин (*maison rouge, talon rouge, etc.*). Аммо фразеологик бирликларда компонентлар орасидаги тартиб қатъий бўлиб, турли ўзгаришлар маъно бузилишига сабаб бўлади.

Фразеологик бирликлар ғарб тилшунослари таъкидлаганидек нутқни янада таъсирчан, жонли ва ифодалади бўлиши учун хизмат қилади. Синоним сўзлар нутқнинг оташин, ранг баранг бўлишини таъминлаганидек, фразеологик бирликлар миллатнинг урф-одатларини, анъаналарини, тарихи-ҳозирги кунини ўзида акс эттиради.

Фразеологик бирликлар таҳлилида характерли жиҳат шундаки, улар эркин бирикмалардан фарқли равишда синтактик яхлит, семантик ўзгармас бирликлар ҳисобланади. Фразеологик бирлик юқорида келтирилгандек яхлитликка эга бўлиши учун бир неча хусусиятларга эга бўлиши керак, яъни фразеологик бирликларни тил сатҳидаги бошқа элементлардан фарқловчи ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, фразеологик бирликлар учун хос бўлган формал белгилар:

- турғунлик;
- икки ёки ундан ортиқ лексемадан ясалиши;
- асосан сўз бирикмаси моделида ифодаланиши;
- тилда тайёр ҳолда сақланиб нутқга шундайлигича олиб кирилиши;

Семантик белгиларга фразеологик бирликлар компонентларининг ҳар доим қўчма маънода қўлланилиши, компонентлар боғланишидаги эркинликнинг йўқолиши кабилар киритилади.

Функционал белгиларига комуникативлик ва номинативликни киритишимиз мумкин.

Стилистик белгиларига таъсирчанлиги, нутқни эмотсионаллигини бойитиши, ўзига хос баҳо семаларини ўзида мужассамлаштириб келиши кабиларни киритамиз.

Фразеологик бирликларнинг фақат ўзига хос бўлган, тилдаги бошқа бирликлардан фарқлаш учун хизмат қиладиган категориал белгилари ҳам мавжуд. Уларнинг асосий категориал белгиси, уларнинг нутқ momentiда тайёр бирлик сифатида қўлланилиши ҳисобланади. Чунки фразеологик бирликлар нутқ momentiда ясалмайди, то нутқга киргунча тилда шаклланиб, сўзловчига ҳам тингловчига тушунарли бирлик сифатида сақланиб қолган бўлади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилда юқоридаги белгиларга эга бўлган бошқа бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни фразеологик бирликлар билан адаштирмаслик лозим. Масалан:

Цитата ва аффоризмлар: *L'esprit cherche et c'est le coeur qui trouve.*

Халқ оғзаки ижодидан эпитетлар: *Affamés, les enfants ont dévoré la tarte meringuée.*

Перифразалар : *la ville lumière (Parij), Le Roi-Soliel (Luiz XIV)*

Фразеологик бирликларнинг яна бир муҳим категориал белгиси уларнинг турғунлигидир, яъни улар доимо қуйидаги жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради:

- домий яхлитлик;
- шаклий турғунлик;
- компонентлар тартибининг бузилмаслиги;
- грамматик форманинг ўзгармаслиги;

Замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан фразеологик бирликларнинг турли хусусиятларига кўра классификация қилиш мумкин. Яъни тилшуносликка оид

асарларда фразеологик бирликларнинг этимологик, структур-семантик, қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра, ясаилишига кўра, маъносидаги мотивацион поғонасига кўра туркумларга ажратиб кўрсатилган.

Фразеологик бирликларнинг этимологик жиҳатдан классификация қилинганда уларнинг икки тури мавжуд эканлиги гувоҳи бўламиз: маълум бир тилнинг ўзига хос фразеологик бирликлар ва ўзлашган фразеологик бирликлар.

Тилнинг ўзига хос фразеологик бирликлар француз урф-одатлари, дини ва тарихи билан бевосита алоқадорликда ривожланади. Шунингдек уларга машҳур француз адабиётларидан келиб чиққан сўзлар ҳам киритилади.

Ўзлашган фразеологик бирликлар турли хил манбалардан кириб келган бўлади. Масалан француз фразеологиясида “Инжилдан” ўзлашган фразеологик бирликлар салмоқли фоизни ташкил қилади .

Шунингдек, фразеологик фонднинг анчагина қисми антик мифология ҳамда қадимий адабиётлар намуналарига бориб тақалади.

Академик В.В.Виноградов фразеологик бирликларни маъносидаги мотивацион ўзгаришларига кўра яъни фраземадан яхлитлигича англашилган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фраземаларнинг уч семантик турини фарқлайди<sup>1</sup>:

1. Фразеологик бутунлик;
2. Фразеологик чатишма;
3. Фразеологик қўшилма;

Фразеологик бутунликда образлилик юқори даражада бўлади. Унинг компонентлари орасидаги боғлиқлик асосланган бўлиб, метафоризация яққол кўзга ташланади. Фразеологик бутунликнинг бошқа фразеологик бирликлардан фарқловчи, ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб булар қуйидагилар:

- юқори даражадаги образлилик ҳамда айрим ҳолларда сўз бирикмалари билан омонимлик муносабатига киришиши;
- алоҳида компонентларнинг семантик бутунлиги;
- компонентлар тартибига ўзгартиришлар киритила олинмаслиги;
- бошқа фразеологик бирликлар ҳамда алоҳида сўзлар билан синонимик муносабатга кириша олиши;

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, лексеманинг лексик маънолари ҳисобга олинмайдиган фразема-фразеологик чатишма дейилади.

Фразеологик чатишманинг бошқа фразеологик бирликлардан фарқли жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- баъзан таркибида архаизмларнинг қўлланилиши;
- синтактик жиҳатдан яхлитлиги;
- компонентлари таркибининг турғунлиги;

- компонентлар лексик маъноларининг умуман аҳамиятини йўқотганлиги;

В.В.Виноградов таҳлиliga асосан фразеологик бирликларнинг учинчи тури бўлмиш фразеологик қўшилмалар ҳам турғун кўчма маънога асосланган бирлик бўлиб, бошқа фразеологик бирликлар рдан асосий фарқи такибидаги компонентлардан бири, ўз луғавий маъносида қўлланилишидир.

Фразеологик бирикма таркибига ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги сабабли эркин бирикмаларга яқин туради. Аммо шу ўринда фақат фразеологик бирикмалар учун характерли жиҳатларни санаб ўтиш жоиз:

- таркибида турли семантик-структур ўзгартиришлар киритила олиниши;
- компонентлардан бири албатта эркин ҳолатда ишлатилиши;
- баъзан таркибида аниқловчиниг ишлатилиши
- компонентлар тартибининг ўзгартирила олиниши;

И.Б.Арнольд инглиз фразеологик бирликларини уч турини фарқлаган: *set-expressions, semi fixed combinations, free pharses* деб ажратилган бирликлар

Виноградов классификациясига тўла мос келади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, инглиз тили фразеологик фондининг асосий қисмини фразеологик бутунликлар ташкил қилади.

Буюк рус академиги А.В.Кунин фразеологик бирликларни ясалишига кўра икки турга ажратади:

1. Эркин бирикмалар асосида ясаладиган ФБлар;
2. Фразеологик бирликлар асосида ясаладиган ФБлар.

Ҳозирги замон француз тилида кенг тарқалган фразеологик бирликларнинг аксарияти эркин бирикмалар асосида ясалган бўлиб, уларни ўзини ҳам бир неча синфларга ажратиш мумкин:

а) Терминологик сўз бирикмаларининг маъноларини ўзгартириш асосида ясаладиган фразеологик бирликлар. Масалан космик техник воситаларга нисбаттан ишлатиладиган қуйидаги сўз бирикмаларининг маънолари кўчиши асосида қуйидаги фраземалар ясалган: *launched над-старт майдончаси*, кўчма маънода бошланғич пункт, *link up - космик кемаларни туташтирмақ*, фразеологик маънода танишмоқ;

б) Эркин сўз бирикмалари маъносини ўзгартириш асосида ясалган Фразеологик бирликлар: ла маисон де Рои-қамоқхона, Троян ҳорсе-компютер программасига зарар етказиш учун ясалган компютер программаси;

с) Аллитерация асосида ясалган фразеологик бирликлар: султуре вултуре-санъат шайдоси;

д) Ундов сўзлар таъсирчанлигини ошириш воситасида ясалган фразеологик бирликлар: **Dieu du bon Dieu!!!!**

э) Сўз бирикмаларини бузиб талаффуз қилиш воситасида ясалган Фразеологик бирликлар.

ф) Фразеологик бирликлар маълум бир сўз бирикмаси ёки гапни турли хил ҳолатларда қўллаш натижасида ҳам пайдо бўлади. Фразеологик бирликлар ясаилишининг иккинчи усули бўлмиш турғун бирикмаларнинг ўзидан янги фразеологик бирликлар ҳосил қилиш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

а) конверсия усулида:

б) грамматик шаклни ўзгартириш воситасида:

с) аналогия воситасида:

д) контраст воситасида яъни маълум бир Фразеологик бирликларга зид маъноли янги бирлик ҳосил бўлиши натижасида:

э) мақол ва маталларнинг қисқартириш воситасида

ф) бошқа тиллардан Фразеологик бирликларнинг кириб келиши воситасида ҳам янги ФБлар ясалади:

Фразеологик бирликлар ўзларининг семантик, функционал, услубий ва синтактик хусусиятларига кўра сўз бирикмалари, содда ва қўшма гаплардан ажралиб алоҳида бир турни ташкил этади, яъни Фразеологик бирликларда сўз, сўз бирикмалари ва гапнинг структур белгилари нейтраллашиб, яхлитлик касб этади. Шунинг учун бугунги кунда ривожланиб бораётган француз тилшунослигида турли типдаги сўз яшаш қолиплари, семантикфункционал планда олинган фразеологизмлар орасидаги алоқалар ўраганилиши муҳим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Москва, 1977.
2. Виноградов В.В. Русский язык. Москва, Высшая школа, 1972.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. Москва, 1986.
4. Кунин А.В. Основные понятия фразеологии как лингвистической дисциплины и создание англо-русского фразеологического словаря. Автореф. дисс. д-ра филол. Наук. Москва, 1964.